

Шайх Муҳаммад Аввома билан суҳбат - Мустафо Сабри Афанди



19:59 / 23.04.2018 4442

-Устоз, биласизким, Кавсарийнинг Шайхулисом Мустафо Сабри Афанди билан ораларида қадим дўстликлари бўлган... Сабрий Афанди Кавсарий каби тингловчиси борлигидан ва у билан замондош бўлганлигидан бошқа шайхулисомларга мақтанадилар. Фотиҳ мадрасаларидан Азҳарга қарши Таънибул Хатиб ва Ан-нуқтатут таърифа каби олқишга сазовор асарларнинг муаллифини етиштирганидан ва унга устозлик қилганидан фахрланишини айтади. Бундан ташқари уни, ҳадис ва фикҳ туби йўқ дарё мисоли таърифлайдилар. [3] Кавсарий ҳам, Назротун Абира ва бошқа бир қатор асарларида Мустафо Сабри Афанди ҳақида ҳурмат билан ёд этиб ўтади. Шундай бўлишига қарамай, баъзилар бу икки буюк Шайх Имом орасида чиққан ихтилоф “жабр” масаласидан фойдаланиб, иккисини бир-бирига душман қилиб кўрсатишга урунишади. Уларнинг орасидаги

муносабат ҳақида нималар дейсиз?

Шайх Муҳаммад Аввома - Бу воқеа Мотурудий ва Ашъарий Шайх Имомлари орасида ҳам ихтилофга сабаб бўлган. Мустафо Сабри Афанди Мотурудий бўладилар, лекин мазкур масалада Ашаърийларнинг қарашини қўллаб-қувватлайдилар. У киши Мавқифул ақл асарида сал кам 55 бетда Кавсарийнинг қарашларига эътироз билдирадилар. [4] Устоз ҳам мавзуга алоқадор Ал-Истибсор фит таҳаддуси аънил Жабр вал ихтияр асарини ёзадилар. Бу икки аҳли суннат Шайх Имоми орасида бўлиб ўтган масала. Шундай экан қайтадан буни кўтаришнинг бизга ҳеч қандай фойдаси бўлмайди.